



**Ўзбекистон Республикаси олий таълим  
муассасаларига ўқишга қабул қилишда  
қўлланиладиган имтиёз турлари  
ҳақида маълумот**

## Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига мувофиқ умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари олий таълим муассасаларининг бакалавриатига, бакалавриат талабалари эса магистратурага тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича синовларсиз давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.



## “Ниҳол” мукофоти соҳиблари

- Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 9 августдаги 169-сон Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ “Ниҳол” мукофотига сазовор бўлган ёшлар маданият, санъат йўналишидаги олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади (ансамбль, жамоа сифатида иштирок этганлар бундан мустасно).
- Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон Қарорига мувофиқ “Ниҳол” мукофоти совриндорлари Маданият вазирлигининг тақдимномаси бўйича Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларининг мос **таълим йўналишларига** танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинади.




## “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиблари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида” 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ-3402-сон Қарорига асосан, «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари олий таълим муассасаларининг **бакалавриатига**, олий ўқув юртлари талабалари ёки бакалавр даражасига эга ёшлиар эса **магистратурага** тегишли йўналиш бўйича кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.



# Олис чўл ҳудудлари аҳолиси (Навоий вилояти)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятининг олис чўл туманларида аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 апрелдаги ПҚ-2925-сон Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синовлари натижалари бўйича **68** ва ундан юқори баллга эга бўлган, олис чўл туманларида камидা **уч йилдан буён истиқомат қилаётган** мутахассислик бўйича ташкилотларида тегишли вилоят ҳокимлиги ва олий таълим муассасаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида камидা **4** йил ишлаб бериш шарти билан қўшимча давлат гранти асосида имтиёзли ўқишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган.



# Бадиий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари

Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июлдаги 393-сон Қарорига мувофиқ Бадиий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари Бадиий академиянинг тақдимномасига асосан Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинади.

# Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати битирувчилари

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июнданги 393-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ Наманган вилояти Тўракўрғон туманидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг бутун ўқиш даврини **аъло баҳоларга** ўқиган битирувчилари Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тавсиясига асосан Давлат комиссияси қарори билан олий таълим муассасалари бакалавриатининг **хорижий тил ва адабиёти, филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналишларига** танловдан ташқари имтиҳонларсиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

# Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзолари

- ▶ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон йўшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар бериш түғрисида” 2017 йил 14 ноябрдаги 914-сон Қарорида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш бўйича тавсияномалар бериш белгиланган.
- ▶ Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон Қарорига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзолари Давлат комиссиясининг қарори билан доимий яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг **педагогика таълим йўналишлари** танловдан ташқари кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинади.

# Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисм қўмондонлиги ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг тавсияномасига эга абитуриентлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3394-сон Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисм қўмондонлиги (раҳбарияти) ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг тавсияномасига асосан ҳар бир ҳарбий қисмдан **бир нафардан** юқори натижаларга эришган ёш ҳарбий хизматчи қўшимча давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинади.

## Ногиронлиги бўлган шахслар

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4319-сон Қарорига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар тест синовларида иштирок этиш учун ундириладиган тўловдан **озод** этилган.
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон Фармонида кириш имтиҳонларида иштирок этган ногиронлиги бўлган шахсларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишининг умумий сонидан қўшимча равишда **икки фоизли** давлат гранти асосидаги квота ажратиш тартибини жорий этиш белгиланган.
- ▶ Вазирлар Мажкамасининг 2018 йил 2 июндаги 417-сон Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг **30 фоизидан** кам бўлмаган балл тўплаган ногиронлиги (I ва II гурӯх) бўлган шахслар баллар кетма-кетлигига қатъий риоя этилган ҳолда, қўшимча **икки фоизли** давлат гранти квоталари доирасида талабаликка тавсия этилади.

# Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий хизматчилари фарзандлари

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-куватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3726-сон Қарорига мувофиқ:

- Мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган, жанговар хизматда ва илмий фаолиятда муайян натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар (идоралар)да **ҳарбий хизматни ўтаётган** ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига киришда ажратилган беш фоизли қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этади.
- Ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида **ҳалок бўлган** ҳамда ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ярадорлик, контузия, шикастланиш ёки касалликлар оқибатида **ногирон бўлиб қолган** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар (идоралар)нинг ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари олий таълим муассасаларига киришда белгиланган қабул кўрсаткичларидан ташқари танловсиз давлат гранти асосида ўқишга тавсия этилади.

# Ички ишлар органлари ходимлари фарзандлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида» 2019 йил 26 февралдаги ПҚ-4212-сон Карорида **Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларига** давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзлар белгиланган.

Унга кўра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан бериладиган **тавсиянома ва тақдимномалар** имтиёз бериш учун асос бўлади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан:

- ▶ давлат олий таълим муассасаларига кириш учун **тавсиянома**;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун **тақдимнома** берилади.

## Ички ишлар органлари ходимлари фарзандлари

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандларига:

- **Олий таълим муассасаларига** кириш учун умумий қабул параметларидан ташқари уч **фоизли қабул кўрсаткичлари** (қўшимча уч фоизли қабул квотаси) ажратилади. Уларга мазкур уч фоизли қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш имтиёзи берилади (*тавсиянома асосида*).
- **Ҳарбий таълим муассасаларига** кириш учун курсантлар (ўқувчилар)ни қабул қилишнинг умумий сонидан **беш фоизли қабул кўрсаткичлари** (қўшимча беш фоизли қабул квотаси) ажратилади. Уларга мазкур беш фоизли қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш имтиёзи берилади (*тақдимнома асосида*).

## Ички ишлар органлари ходимлари фарзандлари

Терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига:

- **Олий таълим муассасаларига** киришда **танловсиз**, белгиланган қабул параметрларидан ташқари **давлат гранти асосида** ўқишга кириш имтиёзи берилади (*тавсиянома асосида*).
- **Ҳарбий таълим муассасаларига** киришда **дастлабки ва касбий танлов натижаларига** асосан **танловсиз**, белгиланган қабул параметрларидан ташқари ўқишга кириш имтиёзи берилади (*тақдимнома асосида*).

## “Тарбиячи” кўрик-танлови ғолиблари

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июнданги 393-сон Қарорига мувофиқ “Тарбиячи” республика кўрик-танлови ғолиблари Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

## Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола хуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон Қарорига асосан 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан «Меҳрибонлик» уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча равишда **бир фоизгача** давлат гранти асосидаги қабул квоталари ажратиш тартиби жорий этилган.

## Фан олимпиадалари ғолиблари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-Қарорига мувофик 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, асосий олимпиадаларнинг республика босқичида 1-3 ўринларни эгаллаган иштирокчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл берилади.

Шунингдек, қўйидаги халқаро олимпиадаларда 1-3 ўринни эгаллаган абитуриентлар олий таълим муассасаларига тест синовисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Булар:

- ▶ Халқаро математика олимпиадаси — International Mathematical Olympiad (IMO)
- ▶ Халқаро физика олимпиадаси — International Physics Olympiad (IPhO)
- ▶ Халқаро кимё олимпиадаси — International Chemistry Olympiad (IChO)
- ▶ Халқаро биология олимпиадаси — International Biology Olympiad (IBO)
- ▶ Халқаро информатика олимпиадаси — International Olympiad in Informatics (IOI)

# Чет тилидан миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларига эга бўлган abituriyentlar

Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 майдаги 395-сон Қарорига мувофиқ тест синовлари (касбий (ижодий) имтиҳон) мажмуасига чет тили фани киритилган барча бакалавриат таълим йўналишларига ҳужжат топширган ва миллий ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари **B2** ва **ундан юқори** бўлган сертификатга эга абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилади.

## «Темурбеклар мактаби» битирувчилари

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизими니 тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 июнданги ПҚ-4375-сон Қарорига мувофиқ «Темурбеклар мактаби» битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга киришда Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида ўзлари тўплаган балларнинг **30 фоизи** миқдоридаги, республиканинг бошқа давлат олий таълим муассасаларига ўқишга киришда эса ўзлари тўплаган балларнинг **15 фоизи** миқдоридаги қўшимча баллар кўринишида имтиёз берилади.
- ▶ «Темурбеклар мактаби»ни имтиёзли диплом билан тугатган битирувчиларга, таркибида «Темурбеклар мактаби» бўлган вазирлик ва идораларнинг тегишлилиги бўйича олий ҳарбий ёки ихтисослаштирилган билим юртларига тест синовларсиз, ҳарбий-касбий саралаш тадбирларини муваффақиятли ўтиш натижалари бўйича кириш хуқуқи берилади.

# Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” 2020 йил 12 июндаги ПҚ-4749-сон Қарорига мувофиқ 2020/2021 ўқув йили қабулидан бошлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча **тўрт фоизли** давлат гранти ажратилади.



**ЭТЬИБОРИНГИЗ учун  
РАҲМАТ!**